

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 73 (6815)  
1997 йил 20 сентябрь шанба

Сотувда эркин  
нархда

## Таъзим

Меҳр нури ёғар доим юзингиздан, устозлар,  
Юрсам дейман шу табаррук изингиздан  
устозлар.

Уқитувчи... Бу сўзга ҳамманинг кўнглидан жой топилади. Катта кўчада кетаётган оппоқ соқолли нуроний отахон ҳам уқитувчиларга дуч келиб қолса, улардан аввал қўллуқ қилишга интилади.

Меҳрибон, ширинсўз Фотима опа Дузматова менинг биринчи устозим. Нафақат мен, балки барча синфдошларим ҳам Фотима опани ҳурмат қилади. Дарсда унинг ҳар бир сўзини диққат

билан тинглаймиз. Фоти-ма опамиз мактабда анчадан буён ишлайдилар. Улар ҳақида бошқа синф

лар. Баъзан синфни тўлдириб ўтирган болаларга қараб туриб, «Қанийди, бир мўъжиза юз бериб, сизлардек бола бўлиб қолсам», — дейдилар. Беғу-

## БИЗНИНГ ФОТИМА ОПА

уқувчилари ҳам, уқитувчилари ҳам доимо яхши гапларни гапирдилар. Лекин Фотима опа худди ўзларининг яхшиликларини билмагандек, доимо камтарлик билан «болажонларим, мен эмас, аслида сизлар яхшисизлар» — деб тураверади-

бор болалик, шўх-шодон қийқириқлар сизларга ярашади. Сизга ухшагим келади, болажонлар!» деб бизни эркалайдилар. Шу топда эса мен бу меҳрибон, камтар муаллиманингни бағрига отилиб: «Эҳ, опажон, қанийди, биз сиздек ҳаммага еқадиған

одам бўлсак», — дегим келади.

Устозлар байрами яқинлашмоқда. Мен муаллиманимиз Фотима опани улўғ байрам билан газетамиз орқали

табриклайман. Уларга узоқ-умр, машаққатли касбларида бардош тилайман. Болажон Фотима опамиз доимо шогирдлари бахтига омон бўсинлар!

Ўткир МУРОДХЎЖАЕВ,  
Тошкент шаҳридаги 156-мактаб ўқувчиси



## Ёшлик ўтар — хунар қолар

### УМИДЛИ ХАЙКАЛТАРОШ

— Мактабимизда хайкалтарошлик тугараги очилди, — деди мактабдан хурсанд қайтган Фарҳоджон уйдагиларга. — Унга биринчи булиб узим ёзилдим.

Очиғи, тугарак ташкил булишига Фарҳоджоннинг узи сабабчи. Кўнларнинг бирида Фарҳод уқитувчиси Гулсара опа Машраббоева олди-га узи ясаган қирғиз чол хайкалини олиб келди ва тугарак ташкил қилмоқчи эканини айтди. Опа уни қўллаб-қувватлади. Тугарак ишлай бошлади. Фарҳоджон уз асарларини туман, вилоят, республика танловларига олиб чиқди. Кургазмага қўйилган асарлар орасида

Амир Темур, Алишер Навоий хайкаллари, турли-туман уйинчоқлар бор.

Фарҳоднинг узи ким булди, дейсизми? Мана, танишинг: узига ниҳоятда талабчан Фарҳоджон Мўйдинов Наманган вилояти Норин туманидаги 20-мактабнинг 10-синфида уқийди. Ҳозир у мактабдошларини ҳам тугаракка жалб қилаётир.

Фарҳоднинг ишларини кузатар эканмиз, ёш ижодкорда уз хунарига эътиқод шаклланаётганини кўрдик. Иқтидорли ёш инсон ҳар қандай қаршиликларни, қийинчиликларни снгиб булса-да, санъат фидойиси булиб етишишига ишонгимиз келди.

Феруза ОРИПОВА



Бизга ҳам ўргатинг!

Сураткаш Р.АЛЬБЕКОВ

Гуруримиз, ифтихоримиз деб йиллар давомида мактаб келган пахтамыз чаман-чаман очилди. Уни тезда йиғиб-териш олмасак, пахтакор хунари қадрсизланиб, йил буйи қилинган меҳнатнинг баҳоси пасайиб кетади. Бунни билиб, уз хоҳишимиз билан буш вақтларимизни пахтазорда ўтказаяпмиз. Натижада оқариб ётган пайкаллар бараварига қорайиб қолапти. Чунки биз ишни ҳар бир булимга ҳамма баравар тушадиган қилиб ташкиллаганмиз. Ҳар бир кило пахта учун 3 сум 50 тийиндан ҳақ

туланишининг, ҳар куни 78—80 килограммдан пахта теришимизнинг ҳисобини қилганлар чиндан ҳам шу кўнларда бош кутармай ишга шўн-

## ПАХТАЛАР ЧАМАН-ЧАМАН...

гиб кетганимизни билади. Аммо «аввал иқтисод, кейин сиёсат», — деган гапни унутиб қуйган раҳбарлар бирикки кўнда терим тугайди, деб далада тушлик ташкил қилишмаган. Бир бетон сув келтириб беришади, холос. Ундан бир йўла 40—50 бола идиш

солиб сув олиб ичади, холос. Ва қорин таталаганда далаларда думалаб пишиб ётган тарвузлардан ейди.

Қадрдонимиз «Тонг юлду-

зи!» Раис, бригадир боболарга айтиб қуй: ота-оналарга мадор деб ишга киришган биз «пултопар» болаларнинг шароитимизни яхшилаб беришин!

Ўғиллой ХЎЖАЕВА,  
Дилдора УСМОНОВА,  
Бахт шаҳридаги  
3-мактаб ўқувчилари

## Кўнғирок





## Ўқувчилар йиғилишида

Ўқув йилининг биринчи ойи ҳам охирамодда. Мактабимиздаги учком ташкилоти йиғилишида ҳар бир ўқувчи ўз фикрини айтди. Нима қилсак мактабга болалар бир нарса урганиш учун ошиқиб, шошиб келадилар? Дарслар зерикарли булмайдилар? Ду-

стлик, иноқлик янада барқарорлашади? Минг бир тортишув ва баҳслар билан учком аъзолари сайланди. Раисликка мактабимизнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Саодат опа Кенжаева тасдиқланди. Ўқувчилардан ҳам аъзолар белгиланди. Учком аъзоларининг мақсади мактабда уз-узини бошқаришни жонлантириш, таълим-тарбияни кучайтиришдан иборат экан. Аъзолар уз

йиллик режаларига эга бўлишлари керак.

Мажлисида учком аъзоларидан IX «А» синф ўқувчиси Матлуба Муллабоева, IX синф ўқувчиси Роҳилахон Эргашева, XI синфдан Шавкатхон Қўқоновлар ҳамда макта-

### Бизнинг мактабда

бимиз директори Отабоев ҳамда Баратовичлар сузга чиқиб, ягона мактаб формасига утиш, дарсликларни яхши сақлаш, бундан ҳам яхши ўқишда, мактаб ҳаёти янада қувноқ қилиш мақсадида ҳар ҳил оммавий, кунгилочар тадбирларни яна ҳам кўпайтириб ҳаммага ўрнак бўлишимиз керак, деган фикр-ни ўртага ташладилар.

**Гулбахор ЎРИНБОЕВА,**  
**Фаргона вилояти,**  
**Ўзбекистон туманидаги**  
**Муқимий номли**  
**мактаб ўқувчиси**

### Шу кунлар нафаси

#### «Марказий Осиё батальони — 97»

Қўшнинг тинч— сен тинч, дейди момолар. Аммо ана шу тинчлик-тотувлик учун уз эҳтиёт чораларимизни ҳам кўришимиз керак, худди ёзда ёпинчигингни кўйма, қишда узинг биласан, деган мақолга амал қилингани каби.

Марказий Осиё минтақасида биринчи марта утказилаётган кўпмиллатли кучлар иштирокидаги машқларнинг тантанали очилишида юртбошимиз Ислон Каримовнинг табриги ўқиб эшиттирилди. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграб, ватанамиз қўриқчилари кўнглига ҳаяжон солгач, десантчи жангчилар, Ўзбекистон Ҳарбий Ҳаво кучларининг ўқувчилари машқ иштирокчилари ва меҳмонлари олдида олий ўқувчилик-жанговарлик санъатини намойиш этдилар. НАТОнинг «Тинчлик йулидаги ҳамкорлик» дастури доирасида утаётган машқларда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, АҚШ, Туркия, Грузия, Россия ва Латвия қуроли кучларининг бўлинмалари иштирок этмоқда. Дания, Литва, Эстония, Украина ва Туркменистон қуроли кучларининг вакиллари мазкур тадбирда кузатувчи сифатида қатнашмоқда.

#### Кўшнинг нотинч—сен нотинч...

18 сентябрда Биродарқушлик урушидаги афгонларнинг Ҳайратон шаҳри атрофида бўлган қонли туқнашуви даҳшати Сурхондарё вилояти Термиз туманига етиб келди. Уруш ҳаракатлари чоғида 10 та реактив снаряд бу ерга тушиб портлади ва уч фуқаромиз жароҳатланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Ташқи ишлар вазирлиги мазкур ҳодисанинг барча тафсилотларини аниқлаш ва бундай ҳоллар такрорланишига йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўрмоқда.

нинг узи (корхонаси билан албатта!) ҳар чорак охирида ўқувчилар ва ўқитувчиларга совғалар бериб, «яхши ўқинлар, меҳр билан ўқитинглр» деб илтимос қилади. Чунки кўпни кўриб, кўпчиликнинг оғзига тушган Темур ака билан бебаҳо хазина эканини билипти-да!

Утган йили 46 ўқувчи яхши ўқигани учун Темур Бойдан 200 сумдан суюнчи олди.

Сенга бир кун Ойдин Ҳо-

ди. Аммо алам қиладиган томони ҳам бор: Республика-мизда беш миллиондан ортиқ ўқувчинг бору, аммо бор-йўги... (айтгим ҳам келмайди) етиб борар экансан. Темур Бойлардан, мактаб жонқуяларидан илтимос: суюнчиларингиз, совғаларингиз биз ўқувчиларни уз газетамиз — «Тонг юлдузи»га обуна қилиб бериш булсин!

### ВАТАН

Ватан нима, Ватан нима,  
Ватаним бу — юрагимдир.

## Қандайсан, «ТОНГ ЮЛДУЗИ»?

Ассалому алайкум, қадроним, газетам! Саҳифангданги «Зирапча» билан гаплашгим келади. «Тенгдошларинг ижоди»ни ўқиб, шеър ёзгим келади. Бизнинг Эшмурод Буриев номли 84-таянч мактабимиз чин маънода, истиқлол мевасидир. Синф хоналари ҳам, бизда Ватанга катта меҳр уйғотадиганлар ҳам — узимизники, УЗНИКИ!


Энди уч йил булган-ку, мактабинглар қурилганига. Шунга шунча мақтовми, — дейсан сузимни бошламасим-даноқ. Мақтасам арзийди: ўқувчилари тиришқоқ унинг, қобилияти, ақли-зақоси куз-куз қилса арзирли! Қишлоғимиздаги «Темур» номли хусусий корхона бошлиғи Темур Бойматов эсимга келиб қолди. Биргина Темур ака-



### Обуна — узлуксиз жараён

жиева, Турсуной Содиқова, Хосият Бобомуродовалар каби шоира булиб, эл назарига тушиш ниятида эканлигимни ҳам ёзгим келди. Интилганга толе ёр, дейишади. Кичик шеърларимни саҳифангдан берсанг бошим кукка ета-

«Ватан» сўзи қалбимдаги Армонимдир, тилагимдир. Ватаним бу — киндик қоним,  
Ватаним бу — жонимдир. Ватанимга хизмат қилиш— Ҳаётимдир, ҳар онимдир!  
**Шалола ЭШОВА,**  
**Қашқадарё вилояти**  
**Шаҳрисабз тумани**




Битмаган мактаб биносини танияпсиэми? Манзилни ёзиб юборинг.

Салом, азиз «Тонг юлдузи»!

Биз мактабда ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри», «Бемор» номли ҳикояларини ўқиб ўргандик. Улар жуда ёқди. Ҳатто ҳикояларнинг кўп жойлари ўз-ўзидан менга ёд бўлиб қолди. Адабиётни яхши кўраман. Мен ҳам келажакда ёзувчи бўлишни орзу қиламан. «Бемор», «Ўғри»ларга ўхшаган зўр ҳикоялар ёзиш учун нима қилиш керак? Абдулла Қаҳҳор болалигида қанақа ўқиган, нималарни ўрганган экан? Шуларни билгим келяпти. Мен ҳам ўрнак олай. Агар Сен шулар ҳақида бирор сирни билсанг, илтимос, ёзиб чиқар...

Муножотхон Жаҳонгирова,  
Марҳамат туманидаги 27-мактаб ўқувчиси

## Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 90 йиллигига



АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

# Х А Т

(қайд)

Техникумнинг тайёрлар. Одатда янги ўқитувчидан бола бегонасирайди, унинг феъл-атворини биллиб олгунича тортинади, ҳатто қурқади. Биз бу ўқитувчига дарров эл булиб қолдик: шундай чиройли ёзадиган ўқитувчи назаримда фақат хушфеъл, фақат меҳрибон булиши керак эди.

Биринчи дарсга Муҳаммаджон Ҳолиқий деган новча бир ўқитувчи кирди, биз билан саломлашди-ю, индамай бориб, тахтага икки қатор шеър ёзди.

Ўқитувчининг хати шундай чиройли эдики, бутун синф бараварига «У-ув!» деб юборди.

Ўқитувчи бизга юзланди:

— Нима гап?

— Хатингиз жудаям чиройли экан!

— Бундан чиқдики, сизларнинг хатларинг хунук экан-да! Хатларинг хунук эканини билсаларинг, демак, мендек чиройли ёзадиган буласиз-

ган, бу дарсдан ҳамиша аъло баҳо оладиган бўлдим. Кейинчалик шуни пайқадим: қайси дарсни чиройли ёзмасам, уша дарсдан пастроқ баҳо олар эканман. Мен авваллари, «Бу дарсни хушламаганим учун чиройли ёзишга ҳафсала қилмасам керак», деб уйлар эдим, йуқ, чиройли ёзишга уриниб қайта-қайта кучириш

дурсни яхшироқ узлаштиришга ёрдам берар экан. Шундан кейин бошқа дарсларни ҳам чиройли ёзишга, дарсда шошиб ёзган ёзувларимни чиройли қилиб кучиришга ҳаракат қиладиган бўлдим. Бора-бора шунга одатланиб қолдим: ҳамма дарсдан аълочи бўлдим.


Бир йилга қолмай хатим хийла чиройли булиб қолди. Иккинчи ўқиш йили

Она тилига доир ҳамма ёзувларни чиройли ёзади-

нинг бошида мени деворий газетага «мудир ва муҳаррир» қилиб сайлашди. Бизнинг синфдагина эмас, бутун мактабда хунук ёзиш айб бўлиб қолди. Кимдир хунук хатга «Чуволчанг» деб от қуйибулди. Хунук хатни курсак, «Бир бет чуволчанг», «Бир дафтар чуволчанг», деб кулар эдик. Бу гапни эшитиб ўқитувчимиз хуп кулдилар, кузларидан ёш чиқиб кетди.

Ҳали-ҳали қўлимга қалам олсам, тепамда Муҳаммаджон домла «чуволчанг» деб турганга ухшайдилар.

1965 йил.



### Савол-жавоб

дарсни яхшироқ узлаштиришга ёрдам

берар экан.

Шундан кейин бошқа дарсларни ҳам чиройли ёзишга, дарсда шошиб ёзган ёзувларимни чиройли қилиб кучиришга ҳаракат қиладиган бўлдим. Бора-бора шунга одатланиб қолдим: ҳамма дарсдан аълочи бўлдим.

Бир йилга қолмай хатим хийла чиройли булиб қолди. Иккинчи ўқиш йили

### ДЕФИЦИТ

Гайратжоннинг институтда ўқийдиган катта опаси уни ҳам Универмагга олиб борди. Универмаг жуда катта, уч қаватли бинога жойлашган экан. У ерда ҳамма нарса буларкан. Кийим-кечаклардан тортиб, қозон-товоқларгача, ги-

ерда йуқ эканлигини тушунди. Булганида опаси сотиб оларди-да! Лекин, «дефицит» дегани нималигини сира тушунолмади. Универмагдан чиқишгач, опасидан «дефицит»нинг нима эканлигини сураганиди, опаси шундай тушунтириб қўйди.

«Дефицит» лотинча «етиш-

### Шу тўғрими?

#### ШАҲАРГА КЕТАЁТГАН ҚИЗ

Купега проводник кириб: — Бир соатлар ичида Тошкентга етиб борамиз, тайёргарлик кўринлар, — дея ортига қайтди.

Купеда онаси ёнида утирган 13-14 ёшлардаги қизча онаси одеял билан тўсиб туришини суради. Қизнинг эғнидаги чиройли, ихчамгина харир кўйлак енгсиз кофта ва жинси шорти билан алмашди. Она эса кулиб туриб ёнида утирган кексароқ аёл билан углига изоҳ бера бошлади. Шаҳарда шунақа кийиниш мода эмиш.

Ҳалиги қизча энди бежирим сумкачасидан туш, лаб буюғи, яна аллақандай буюқлар олиб узига оро бера бошлади. Она эса яна мамнун жилмайган ҳолда: «Қиз бола-да, тушмагур, чиройли юришни ёқтиради», деб қўйди.

Бу орада поезд вокзалга етиб келди. Қизча эса югуриб купедан чиқди. Она эса: «Узоққа кетиб қолма, қизим», — деганча юкларини қутара бошлади.

#### БОЛА АЗИЗ, ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

Автобустга кексайган киши чиқди. У тўғри уриндиқда утирган 10-12 ёшлар чамасидаги бола ёнига келиб турди. Болакай «Жой берайми, йуқми?» назари билан тепасида тик турган онасига қаради. Она эса «Утиравер» деган имо-ишора қилди.

Ҳалиги киши бирпас турган: — Уғлим, жой бермайсанми, жуда толиқдим, — леди.

Уғил урнига она жаврай бошлади:

— Амаки, болам бечора ҳам эртадан кечгача бозор айланиб айрон сотавериб мадори қолмаган, эндигина утириб ором олаяпти.

Кекса киши: — Икки бекат юриб тушиб қоламан, қизим. Кейин яна утириб кетаверар, — деганди, «Икки бекатга турсангиз, улиб қолмассиз, биз эса охириги бекатгача борамиз», деган ҳақоратомуз жавоб олди.

Бола эса бу гаплардан сўнг, уриндиққа яхшилаб жойлашди-да, мизғий бошлади.

#### Иқтисод алифбоси

купчилик билса ажабмас! Тўғри, у пул деган маънони англатади. Лекин қанақа пул? Қайси тилдан келиб чиққан?

Маълум булишича, бу

## «А» ДАН «Я» ГАЧА

ламу-сузаналардан тортиб, уйинчоқларгача...

«Ўқув қуроллари» деган бўлимга киришганда, опаси сотувчи аёлдан «Сиеҳда ёзадиган авторучка борми?» деб сураганиди, сотувчи аёл «Йуқ, синглим, у нарса ҳозир жуда дефицит булиб қолган», деб жавоб берди.

Гайратжон авторучка у

майди» дегани булиб, халқ истеъмол молларининг старли эмаслиги, етишмаслиги ёки камайиб кетиши деган маъноларни англатаркан...

### ДОЛЛАР

Ҳозир қайси дуконга кирманг, қайси бозорни ораламанг «доллар» деган сўзни тез-тез эшитиб қоласиз.

Хуш, доллар нима? Буни

пул бирлиги инглиз тилида «доллар» деб аталиб, аслида немисча «талер» сузидан келиб чиққан экан. У 1786 йилдан бери муомалада булиб, АҚШ доллари Халқаро валюта ҳисоб-китобларида кенг қўлланилар экан.

Эркин УСМОНОВ



Менинг биринчи ўқитувчим



**1984 йил 15 мартда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Фамбур қишлоғида туғилганман. Нега қишлоғимизнинг номи Фамбур эканлиги ҳақида изланишлар олиб боряпман. Ниҳоясига етса, сизга ҳам айтаман. Бугун айтмоқчи бўлганим — шеърга қизиқиб қолганим. Қизиқшимни сезган отаонам ўқитувчим Сайёра Абдурахимованинг маслаҳати билан Тошкентга олиб келишди ва Нафис санъат лицейига ўқишга беришди. Насиб қилса лицейни тугатиб ҳаётимни нафис адабиётга бағишлаш ниятим бор.**

**ҚИЗИК**

Қишлоғимизда бугун Жуда катта туй бўлди. Ош дамланиб қозонда, Суйилгани — қуй бўлди. Баъзан уйлаб қоламан, Нима учун туй қизиқ? Ҳар кимга ҳар қанақа Қушиқ қизиқ, қуй қизиқ. Ҳовли тула қийқирик, Болага уйин қизиқ. Момоларга дастурхон, Безаниш, кийим қизиқ. Қушниларга сарупо, Безатилган уй қизиқ. Туй қанақа булмоқда Деб кузатиш, уй қизиқ. Оталарга чой қизиқ. Кадрдон улфат қизиқ. Йиллар елкалаб келган Туй қизиқ, кулфат қизиқ. Туйчига келди-кетди, Совға, туёна қизиқ. Йигитлар қиз узатган Гулдан уелар, қизиқ?... Элига туй беролган Бели маҳкам эр қизиқ. Яна давом эттирсам, Булмай қолар шеър қизиқ...

Анвар САМАДОВ

**ЎҚУВЧИЛАР**

Фарғона вилояти, Бешариқ тумани Чорбоғтуронгидаги 6-урта мактабга келсангиз, айниқса қиш ойларида, ажойиб воқеанинг устидан чиқасиз. Лой кучалардан келаётган болаларнинг совуқ еган қуллари мактаб сумкасидан китобдафтар олишдан олдин... утин олади сунг чанқаса сув, қорин очса нон... Ҳа, синфда совуқ еб дарс тайёрлаб, билим олиб буладими? Тушликда ул-бул еб олай,

дейишса ҳам яна муаммо:

**ҚИШ ТАШВИШИДА**


ошхона йуқ. Шундай булгач кунлик ғамларини еб келишадиди-да. Чунки мактабга сувни 200 метр наридан ташиб келиш керак. Болаларнинг қушнй мактабга ҳаваси келиши ҳам шундан. У ерга туман ҳокимлари, раҳбарлар тез-тез келиб туришади. Чунки узла-

**Катталар, эътибор беринг**

рининг қишлоқлари, маҳалла-қуйлари! Бу ерга эса ҳеч

бир бор бош суқишса. Ўқувчиларнинг аҳволини куриб, улар билан қиш кунларида бир соат дарсда утириб, шароитимизни яхшилаб беришса. Ҳамма умидимиз — узингдан, ўқувчиларнинг дардуҳасратини эшитиб, уларга ҳақиқий дуст, ердამчи эканлигингга шубҳамиз қолмагани учун сенга ёздим.

**ЖАЛОЛОВ Худойкул  
Аъзамхон ўғли,  
шу мактаб ўқувчиси**



Ўқиб, ҳулоса чиқаринг

**РЕНАТА ҚАТИҚНИ  
ПУФЛАБ ИЧАДИ**

Сут соладиган қирқ литрли идишда чўмилган болани эшитганмисиз?

Июль ойининг жазирасида тенгдошингиз Рената исмли қизча чўмилгиси келиб сув тўлғазилган темир идишга аввал оёғини тикиб, кейин

эса бутун гавдаси билан сувга тушади. Чинқириб йиғлаб юборган қизчани ота-онаси дарҳол темир идиш билан бирга шаҳар касалхонасига олиб боришади. Шифокорлар ҳам ёрдам бера олмагач, кутқарув бригадаси чақирилган бўлди.

ди. Улар темир идишни махсус асбоб билан қирқиб, қўрқувдан тили айланмай қолган Ренатанинг ҳаётини сақлаб қолишди. Энди қизча темир идиш атрофидан ярим чақирим наридан айланиб ўтадиган бўлди.

**ЗИРАПЧАНИНГ  
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

Уй вазифаси — ўйинқароқ ўқувчининг бўйнидаги сиртмоқ.



Математика — пул санашни ўргатадиган фан.

Чизмачилик — исрофгарчилиكنинг бир кўриниши.

Бурчак — тўполончининг жаҳаннами.

Синф мажлиси — бомба портлайдиган кун.

Кундалик дафтар — сир очар қурол.

Камар — ота томонидан бо-

лага бериладиган «мукофот».

Кўчирмачи — зўравоннинг иш услуби.

Синмайдиган ойна — тўптепарнинг орзуси.

Муаллим дарсга келмаган кун — тайёргарликсиз келган ўқувчи учун байрам.

**Машраб Тўрабой ўғли, Наманган вилояти Уйчидаги. Бўстон маҳалласи**

**КИСЛОРОД КАШФ  
ЭТИЛМАСДАН  
АВВАЛ...**

— Ойи, чап оёғим оғрипти.  
— Куп юргандирсан-да.  
— Ҳа, лекин унғ оёғим ҳам баробар юргандику!

— Дада, сиз нима деб уйлайсиз, катта булганимда тиш доктори булганим яхшими, куз доктори?

— Тиш доктори.  
— Нега?  
— Одамда куз иккита, тиш эса 32 та.

— Мактабда бугун нима иш қилдинг?  
— Санитар булдим, бола-



ларнинг қули тозами-йўқми текширдим.

— Узинг қулингни ювганмидинг?  
— Нимага ювишим керак? Ахир мен навбатчи эдим-ку.

Тиш докторининг хонасига икки қиз кириб келди. Улардан каттароғи қатғий деди:

— Доктор, тишни тез олиб ташлаш керак. Фақат оғриқсизлангиришга вақтни беҳуда утказманг. Мен шошиб турибман.

— Жудаям ботир экансанку! — деди доктор завқланиб.  
— Қани, уша тишингни бир курайчи.

— Қани бул — деди қиз узидан кичигига — докторга тишингни курсатчи дарров...

Ҳайвонот боғининг хизматчиси баҳайбат тимсоҳнинг очик оғзига тикилиб турарди.

— Унга нима булибди? — суради томонбабинлардан бири.

— Ҳозирча ҳеч нарсани билмайман. Ярим соат булди, лекин доктор нимагадир ҳалиям унинг ичидан қайтиб чиқмаяпти.

Ўқитувчи:  
— Ер юзидаги барча жонзодлар кислород билан нафас оладилар. Кислород бундан 100 йил аввал кашф этилган...

Ўқувчи:  
— Кислород кашф этилмасдан аввал қандай ҳаёт кечиришганикин-а?

**М. МАҚСУДОВА**  
тайёрлади

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ Кўмитаси

**Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА**

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора йўлдошева, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0520. 10960 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Навбатчи Ф. ОРИПОВА

• Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137  
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.  
• Нашр курсаткичи: № 64563  
• Телефон: 1-33-44-25

